**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**
**Ўзбекистон Республикаси Қишлок хўжалиги вазири ўринбосари**

**Қ. А. Юлдашев**

**2022 йил «11» март**

# АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР ИНСТИТУТИ ҲУДУДИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК АСОСИДА ТАЛАБАЛАР ТУРАР ЖОЙИ БИНОСИНИ РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ, ЖИҲОЗЛАШ ВА БИНОДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЛОЙИҲАСИ КОНЦЕПЦИЯСИ

## I. Лойиҳанинг тавсифи

| | |
|---|---|
| Лойиҳанинг номи: | Талабалар турар жойи биносини реконструкция қилиш, жиҳозлаш ва бинодан фойдаланишни ташкил этиш |
| Тармок номи: | Олий таълим |
| Лойиҳа тури: | Талабалар турар жойи реконструкцияси |
| Хусусий шерик томонидан бажариладиган иш ҳажми | Лойиҳалаштириш, реконструкция қилиш молиялаштириш, фойдаланилиш, хизмат кўрсатиш ва қайтариш |
| Давлат шериги: | Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти |
| Лойиҳа жойлашган жойи: | Андижон вилояти, Андижон тумани, Олийгоҳ кўчаси. Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти ҳудудида |

## II. Дастлабки танлов натижалари

| **ДХШ лойиҳасининг дастлабки танлови натижалари ҳақидаги батафсил маълумот ва тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этинг.** |
|---|
| Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” Фармонида давлат-хусусий шериклик лойиҳалари асосида олий таълим муассасалари моддий техник базасини ривожлантириш, инфратузилма объектларини қуриш ва улардан фойдаланишни ташкил этиш ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 9 сентябрдаги 563-сонли “Республикада олий таълим муассасаларида талабаларни турар жой билан қамраб олиш даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан талабалар турар жойларини барпо этиш ишларини жадаллаштириш кўзда тутилган.<br><br>Мазкур фармон ва қарорга асосан Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти ҳудудидаги мавжуд талабалар турар жойини реконструкция қилиш бўйича хусусий ташаббускор “Benazir Ark qurilish” масъулияти |

| |
|---|
| чекланган жамият томонидан тайёрланган давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг ташаббуси тақдим этилган.<br><br>Лойиҳа аниқ ижтимоий вазифани (олий таълим муассасаларида талабаларнинг турар жойлари) муаммосини ҳал этишга қаратилган. |

## III. ДХШ лойиҳасининг молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари

| **Қўшимча маълумотлар** | |
|---|---|
| 1. | Лойиҳанинг ЛБҲ/ТИА/ТИҲК мавжудлиги:<br>Ҳа ☒ Йўқ ☐<br>Агар "Ҳа" жавобини белгилаган бўлсангиз, тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этинг.<br>*Лойиҳани баҳолаш ҳужжатлари илова қилинади* |
| 2. | Лойиҳа қуйидагилардан бирига киритилган бўлса:<br>Инвестиция дастури ☐<br>Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони ёки қарори/ Вазирлар Маҳкамаси қарори ☒<br>Бошқа ☐<br>Батафсил маълумотлар ҳамда тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этинг:<br>Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 9 сентябрдаги 563-сонли "Республикада олий таълим муассасаларида талабаларни турар жой билан қамраб олиш даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори. |
| 3. | Хусусий шерик лойиҳани амалга ошириш ва кўрсатилган хизматлар учун ҳақ олишга рухсат берувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш учун зарурати борми?<br>Ҳа ☐ Йўқ ☒ |
| 4. | Хусусий шерикнинг лойиҳа доирасида кўрсатадиган якуний хизматларини тасвирлаб беринг:<br>– Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтининг мавжуд талабалар турар жойи реконструкция қилиниб жиҳозланади ва талабаларга тақдим этилади.<br>– Вазирлар Маҳкамасининг 563-сонли қарорига мувофиқ жами қувватнинг камида ярми талабалар учун давлат шериги билан келишилган нархларда ётоқ ўринлари сифатида фойдаланилади ва қолган қисмида ушбу турар жойларнинг бир ойлик тўлов миқдори хусусий шерик томонидан эркин белгиланади;<br>– талабалар эҳтиёжидан келиб чиқиб: кафе ва талабалар турар жойининг биринчи қаватида 60 ўринли меҳмонхона ташкил этилади. |

<table>
<tr><td rowspan="2">5.</td><td>А) Капитал қўйилмалар ва бошка харажатлар суммаси (1 595,2 минг АҚШ долларида):<br>**17 292,4 млн.сўм**</td><td>Б) Эксплуатация харажатлари миқдори (3,19 минг АҚШ долларида):<br>**34,6 млн.сўм**</td><td colspan="2">В) Умумий харажатлар<br>(1 598,4 минг АҚШ долларида):<br>**17 327,0 млн.сўм**<br>*(10.01.2022 йил ҳолатига курс: 10840,02 сўм)*</td></tr>
<tr><td colspan="2">Г) ДХШнинг амал қилиш муддати:<br>**30 йил**<br>Аниқ маълумот бўлмаса, оралиқ муддатни белгиланг:<br>3-10 ☐ 11-20 ☐ 21-30 ☒ >30 ☐</td><td colspan="2">Д) Лойиҳанинг амалга ошириш муддати:<br>**1 йил**<br>Аниқ маълумот бўлмаса, оралиқ муддатни белгиланг:<br><10 ☒ 10-30 ☐ >30 ☐</td></tr>
<tr><td rowspan="3">6.</td><td colspan="4">А) Лойиҳанинг даромад манбасини келтиринг (белги қўйинг):<br>Фойдаланганлик учун тўлов ☒<br>Эркин фойдаланилиши учун тўлов ☒</td></tr>
<tr><td colspan="4">Б) Фойдаланганлик учун тўлов/ Эркин фойдаланилиши учун тўлов<br>**Фойдаланганлик учун тўлов:**<br>300 нафаргача талабаларга хусусий шерик томонидан эркин белгиланган ойлик тўлов 250 минг сўм, йиллик даромад **750,0 млн.сўм**;<br>Камида 300 нафар талабаларга давлат шериги билан келишилган ҳолда белгиланган ойлик тўлов 100 минг сўм, **300,0 млн.сўм**;<br>60 ўринли Кафе (овқатланиш хизматлари), ўртача бир одам учун хизмат нархи 12,0 минг сўм, йиллик даромад **158,4 млн.сўм**;<br>60 ўринли меҳмонхона хизмати, 1 ўрин учун тўлов миқдори 50,0 минг сўм, йиллик даромад **900,0 млн.сўм**;<br>**Эркин фойдаланилиши учун тўлов:**<br>Вазирлар Маҳкамасининг 563-сонли қарори 1 (в)-бандига асосан давлат шериги билан келишилган нархларда талабалар турар жойида яшаган ҳар бир талаба учун ДХШ тўғрисидаги битимда белгиланган муддат давомида бир йил учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баравари миқдорида яъни камида 300 нафар талаба учун 2700,0 минг сўмдан жами **810,0 млн.сўм** Давлат бюджетидан субсидия ажратилади.</td></tr>
<tr><td>В)</td><td colspan="3">Даромадлар тақсимотини кўрсатинг:<br>Давлат мулкидан фойдаланганлик учун тўлов ☐<br>Қўшимча фойда тақсимоти ☐<br><br>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11 августдаги 509-сонли қарорига асосан Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим муваффиқиятли расмийлаштирилганлиги учун тендер ғолиби ёки тўғридан-тўғри музокара иштирокчиси томонидан ваколатли давлат органига лойиҳа қийматидан 0.2% (17292.4*0.2%=34.6 млн.сўм) миқдоридаги бир марталик тўлов ДХШ тўғрисидаги имзоланган битим реестрга олингунга қадар тўланади.</td></tr>
</table>

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 7. | А) ДХШ лойиҳасининг ташаббускорини белгиланг:<br>Давлат ташаббускори: ☐<br>Хусусий ташаббускор: ☒ | | | | | |
| 8. | Хусусий ва давлат шериги ўртасидаги хатарларни тақсимлашда таклиф қилинган ўзгаришларни белгиланг | | | | | |
| | **Хавф ёки хатарлар турлари** | **Давлат шериги** | **Умумий** | **Хусусий шерик** | **Хатар тақсимоти асоси** | **Изоҳ** |
| | Лойиҳага тегишли хавф хатарлар | | | ● | | |
| | Дизайн ва технологиялар нинг эскириш хавфи | | | ● | | |
| | Яширин нуқсон хавфи | | | ● | | |
| | Ер сотиб олиш ва кўчириш билан боғлиқ хатарлар | ● | | | | |
| | Молиявий хатар | | ● | | | |
| | Қурилиш билан боғлиқ хатар (аниқ бўлмаган) | ● | | | | |
| | Қурилиш билан боғлиқ бўлган хатар<br>(аниқ бўлган) | | | ● | | |
| | Ишга тушириш билан боғлиқ бўлган хатарлар | | ● | | | |
| | Лойиҳа шартномаси тузилганидан кейин лойиҳага киритилган ўзгартиришлар (давлат шериги тарафидан) | ● | | | | |
| | Лойиҳанинг суғуртасига оид | | | ● | | |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | хатарлар | | | | | |
| | Солиқ билан боғлиқ хатарлар | | ● | | | |
| | Тарифларнинг ўзгаришига боғлиқ бўлган хатарлар | | ● | | | |
| | Лойиҳа шартномаси тузилганидан кейин лойиҳага киритилган ўзгартиришлар (хусусий шерик тарафидан). | | | ● | | |
| | Қонунчиликдаги ўзгаришларнинг лойиҳага салбий таъсири хатарлари | ● | | | | |
| | Лицензия гувоҳномалар берилиши кечикиши | ● | | | | |
| | Хусусий шерикка келишилган товарларнинг кечиктирилиши | ● | | | | |
| | Сиёсий бекарорлик хатарлари | ● | | | | |
| | Таъмирлаш ва реконструкцияга оид хатарлар | | | ● | | |
| | Мулк конфескацияси | ● | | | | |
| | Операцион хатарлар | | | ● | | |
| | Экологик / ижтимоий хатар (эксплуатация билан боғлик) | | | ● | | |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | Оператив фаолият билан боғлиқ хатарлар | | | ● | | |
| | Талаб билан боғлиқ бўлган хатарлар | | ● | | | |
| | Бошқа | | ● | | | |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 9. | Ҳар бир босқич учун тахминий / режалаштирилган санани кўрсатинг: | | | | |
| | | Сана | | | Сана |
| | а) ДХШ лойиҳасининг концепциясини тасдиқлаш | 2022 йил I-чорак | д) | Музокаралар ва ДХШ тўғрисидаги битимни имзолаш | 2022 йил I-II-чорак |
| | б) Лойиҳа олди ҳужжатларини ишлаб чиқиш (Масалан: тендер ҳужжатлари) | 2022 йил I-чорак | е) | Махсус лойиҳа компаниясини (SPV) ташкил этиш | Ғолиб аниқланган дан сўнг |
| | в) Дастлабки малакани аниқлаш | 2022 йил I-чорак | ё) | Молиявий якунлаш | Битим кучга киргандан сўнг |
| | г) Ғолибни саралаш | 2022 йил I-II-чорак | | | |

| | |
|---|---|
| 10. | Жорий ҳолатда аҳолидан ва/ёки давлат бюджетидан мазкур хизматга ажратиладиган ялпи маблағ:<br><br>Жорий ҳолатда Вазирлар Маҳкамасининг 563-сонли қарорининг 1(в)-бандига мувофик хусусий шерикка талабалар турар жойини реконструкция қилиш ҳисобига давлат шериги билан келишилган нархларда талабалар турар жойида яшаган ҳар бир талаба учун битимда белгиланган муддат давомида лойиҳа бўйича битта ёток ўрни ҳисобида бир йил учун базавий ҳисоблаш микдорининг 10 баравари миқдорида Давлат бюджетидан субсидия ажратилади. |

| | |
|---|---|
| 11. | Ташаббус қилинган лойиҳа иқтисодий, ижтимоий ва инфратузилмавий вазифаларнни / муаммоларни ҳал этишга қаратилганми?<br>Ҳа ☒ Йўқ ☐<br>**Иқтисодий самара:** 600 ўринли ТТЖ биносини ДХШ лойиҳаси асосида реконструкция килиш ва жиҳозлаш 17361,5 млн сўмга тенг давлат бюджети маблағларини тежаш имконини беради.<br>**Ижтимоий самара:** Бугунги кунда институтда 1566 нафар талабаларда талабалар турар жойига эҳтиёж мавжуд. ДХШ асосида реконструкция қилинадиган ТТЖда 600 нафар талабалар турар жой билан таъминланади.<br>**Инфратузилмавий самара:** Мавжуд талабалар турар жойи замонавий кўринишда реконструкция қилинади. |
| 12. | Ташаббус қилинган лойиҳа доирасида илғор бошқарув тажрибасини жорий этиш назарда тутилганми?<br>Ҳа ☐ Йўқ ☒ |
| 13. | Ташаббус қилинган лойиҳа иннавацион ёндашувни ўз ичига олганми ва тарафлар учун мақбул мутанносиб нафни таъминлаб берадими?<br>Ҳа ☐ Йўқ ☒<br>Агар “Ҳа” жавобини белгилаган бўлсангиз, фикрингизни батафсил асослаб беринг: |
| 14 | Ташаббус қилинган лойиҳа доирасида автоматлаштирилган электрон ҳисоб-китоблар ва ҳисоботларни жорий этиш назарда тутилганми?<br>Ҳа ☐ Йўқ ☒<br>Агар “Ҳа” жавобини белгилаган бўлсангиз, фикрингизни батафсил асослаб беринг: |
| 15. | Лойиҳани амалга ошириш учун ер участкасига зарурат борми?<br>Ҳа ☐ Йўқ☒ |
| 16. | а). Лойиҳани амалга ошириш натижасида ижтимоий муаммолар келиб чиқиш эҳтимоли мавжудми?<br>Ҳа ☐ Йўқ ☒<br>Агар “Ҳа” жавобини белгилаган бўлсангиз, изоҳланг.<br>Асослантириш учун тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этинг. |
| | б). Лойиҳани амалга ошириш натижасида экологик муаммолар вужудга келиш эҳтимоли мавжудми?<br>Ҳа ☐ Йўқ ☒<br>Агар “Ҳа” жавобини белгилаган бўлсангиз, изоҳланг.<br>Асослантириш учун тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этинг. |

| | |
|---|---|
| 17. | Давлат шериги томонидан (ДХШ лойиҳаси доирасидан ташкарида) амалга оширилиши зарур бўлган қўшимча иш ҳажмларини кўрсатинг:<br>Сув таъминоти объектларини қуриш ☐<br>Газ таъминоти объектларини қуриш ☐<br>Электр таъминоти қурилмаларига уланиш ☐<br>Кириш йўллари ☐<br>Транспорт боғланиши ☐<br>Бошқа<br>Мазкур лойиҳа бўйича инфратузилмаларни яратиш ишлари, хусусан, сув таъминоти, газ таъминоти объектларини қуриш, электр таъминоти қурилмаларига уланиш, кириш йўлларини қуриш ва транспорт боғланишини таъминлаш хусусий шерик томонидан амалга оширилади. |
| 20. | Манфаатдор томонларни санаб ўтинг:<br>Хусусий шерик–**«Benazir Ark qurilish» МЧЖ**;<br>Давлат шериги–**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти.** |
| 21 | Давлат шериги томонидан лойиҳани амалга ошириш учун масъул этиб тайинланган шахс ҳақидаги маълумотларни тақдим этинг. Агарда имкони бўлса, лойиҳани амалга ошириш гуруҳи ҳамда ДХШ лойиҳаси менеджери, гуруҳ аъзоларининг лавозими ва мажбуриятлари ҳақидаги маълумотларни ҳам тақдим этинг. |

| | |
|---|---|
| Масъул этиб тайинланган шахс | Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти ишлар бошқармаси бошлиғи |
| Ф.И.Ш. | Солиев Нодирбек Икромович |
| Лавозими: | Ишлар бошқармаси бошлиғи |
| Тел: | 93-243-76-36 |
| Электрон почта манзили: | t/me:АҚХАИ ишлар бошқармаси |

**“Келишилди”**
Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти ректори

______________ К. С. Комилов
м.ў.

**“Келишилди”**
Давлат-хусусий шерикликни риожлантириш агентлиги директори в.б.

______________ З. Бозоров
м.ў.

**“Киритилди”**
«Benazir Ark qurilish» МЧЖ раҳбари

______________ Н. Рахмонов
м.ў.